



АБУЛ БАРОКОТ НАСАФИЙНИНГ ХАЕТИ ВА ИЖОДИ, ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

Имом Бухорий номидаги

Тошкент ислом институти

ўқитувчиси

Мирзамиддинов

Аслиддин

Абдумуминович

Аннотация: Энг аввало, бу ишларни амалга ошириш замирида савоб деган олижаноб тушунча ётади. Савоб - улуг инсоний фазилят, юксак исломий қадриятлардан биридир. Менинг комил ишончим шуки, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак.

Калит сўз: «Мустасфо фи шарҳ ан-Нофиъ фи-л-фуруъ» («Фикҳга оид ан-Нофининг Мукаммал номли шарҳи»).

Бисмиллаҳир роҳмонир роҳим. Имом ал-Бухорий, ул кишини Аллоҳ таоло ғарийқи раҳмат, шойистаи жаннат айласин, умрларининг асосий қисмини ҳижрий III асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтказдилар. Ул зоти шариф ҳижратнинг 194-йили (милодий 810) дунёга келиб, 256-йили (милодий 870) вафот этдилар. Бу даврда Ислом олами Бағдодни ўз салтанатлари учун пойтахт қилиб олган аббосийлар сулоласи ҳукмида эди. Имом ал-Бухорий таваллуд топган вақтларида аббосийлар давлати ўз раънақининг чўққисига чиққан бўлиб, халифа Ҳорун ар-Рашид уни айна шу пайтида тарк этган (яъни, ҳижрий 193-йили оламдан кўз юмган) эди. Мазкур давлат Ҳорун ар-Рашид авлодлари - Ал-Амин (786-813), Ал-Маъмун (813-833), Ал-Муътасим (833-842) ва Ал-Восиқ (842-846) халифалик қилган даврларда ҳам, ака-ука Ал-Амин ва Ал-Маъмун ўртасида тахт учун бўлиб ўтган урушларга ҳамда давлатда содир бўлган исёнларга қарамай, ўз қудратини йўқотмади.

Мовароуннаҳр шаҳарларидан бири бўлган қадим Насафнинг илму маърифатда Бухоро, Самарқанд ва Тошкентдан қолишмайдиган жиҳатлари кўп бўлгани боис «ан-Насафий» нисбатли олимлар ўз асарлари билан нафақат Мовароуннаҳр, балки бутун ислом оламида шуҳрат қозонганлар. Насаф Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган ва у муттасил равишда ривожланиб борган. Лекин 1219-йилда Ўтторни олти ойлик қамалдан кейин забт этган Чингизхон Самарқандга бостириб кириб, сўнгра Насафга йўл олади. Мўғуллар 1220-йилда Мовароуннаҳрни деярли тўлалигича эгалладилар ва кўплаб шаҳар ҳамда қишлоқларни ер билан яксон қиладилар. Улар барчани – эркак, аёл, ёш ва қарини қиличдан ўтказадилар, меъморий обидалар, масжиду мадрасалар, сарой ва қалъаларга ўт қўядилар. Жумладан, XII аср олими ас-Самъоний айтиб ўтган Насафнинг қишлоқ ва қасабаларининг кўпи вайрон этилади.



XIII аср охирига келиб илмий, маданий ва иқтисодий манзиллар деярли тўхтаб қолган эди. Кейинчалик мўғул хонларидан Кебекхон (1318-1326 йиллари) Насафнинг олдинги жойидан 12 чақиримлик масофада Қарши шаҳрига асос солади. Шу йўсинда Қарши мўғул лашкарбошилари учун қароргоҳга айланади. VII аср охири ва IX аср бошларида Насаф ва Кешда йирик ҳадисшунослик ва фикҳшунослик мактаблари вужудга келган. Шунингдек, бу ерда тафсир илми ҳам IX асрдаёқ йўлга қўйилган ва бунда, айниқса Иброҳим ибн Маъкил ас-Санжоний, Муҳаммад ибн Наср ан-Насафий каби олимлар пешқадам бўлганлар.

Мазкур мактабларда мусулмон оламининг турли ўлкаларидан келган талабалар сабоқ олар эдилар. IX асрда Муъоз ибн Йаъқуб ан-Насафий, Халаф ибн Сулаймон ад-Дириздахий, X асрда Асад ибн Ҳамдавайх ал-Варсиний, Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Тадйоний, Муҳаммад ибн Осим ал-Устуғдодизий, Абд ар-Роҳман ибн Муҳаммад ал-Астрободий, XI асрда Абдул-Азиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий, Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладий, XII асрда Абу Бакр ан-Насафий, XIII-XIV асрларда Азиз ад-дин ан-Насафий, Лутфуллоҳ ан-Насафий ал-Кайдоний Нажмуддин Абу Ҳафс Умар Насафий (1070-1143), Абулфазл Муҳаммад Бурҳон Насафий (600-679/1201-1281), Абу Али Ҳусайн Насафий (ваф. 424/1034) каби ўнлаб олимлар бутун ислом оламида шухрат топдилар. Кейинги асрларда ҳам бу илмий анъана муваффақият билан давом эттирилди.

Шу тарзда анъанага кўра, X-XI асргача бу ерда ҳам араб тилида асарлар ёзилган бўлса, XI аср охири ва XII аср бошларида форс тилида ижод қилина бошланди. Темурийлар даврида эса, араб, форс ва турк тилларида китоблар ёзилди. Носир Муҳаммад ўзининг «Насаф ва Кеш алломалари» номли китобида эллиқдан зиёд Насафлик алломалар ҳаётини тилга олган.

Тадқиқотларда зикр этилишича, VII-XII асрларда Мовароуннаҳрда 3000 дан зиёд муҳаддислар яшаган бўлиб, улардан 1000 дан ортиғи Самарқандда, 600 дан ортиғи Бухорода ва 400 дан ортиғи Насафда, қолгани эса Мовароуннаҳрнинг бошқа минтақаларида фаолият олиб борган.

Насафдан етишиб чиққан забардаст олимлардан бири Абул Баракот Насафий бўлиб, у ислом илмларининг деярли барча соҳаларида сермахсул ва барча томонидан ижобий қабул этилган ижоди билан машҳур бўлган.

Абул Баракот Насафийнинг тўлиқ исми Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуддир ан-Насафийдир. Унинг ҳаёти ҳақида маълумот берувчи барча китобларда фақат бобосигача зикр қилиш билан чекланилган. Олимнинг халқ орасида қадрлаб юритилган лақаби эса “Ҳофизиддин” — “динни ҳимоя қилувчи”дир. Бу борада аксар тарожим уламолари ихтилоф қилишмаган.

Абул Баракот Насафийнинг бундай ном билан аталишининг сабаби мўғуллар босқини даврида диний илмларни ривожлантиргани, турли соҳаларда ижод қилиб, илм-маърифат тарқатганлигидир. Бундай номга муҳаққиқ олим Абдулхай Лакнавийнинг гувоҳлик беришича фақат икки киши лойиқ кўрилган бўлиб, уларнинг иккаласи ҳам Бухорода мўғуллар босқини даврида илм тарқатган. Улар Шамсул-



аимма Муҳаммад ибн Абдуссаттор Кардарий (ваф. 642/1244) изидан борган шогирдлари Абул Баракот Насафий ва Абул-Фазл Муҳаммад Кабир Бухорийлар бўлишган..

Рисолада тафсир, ақида, ислом ҳуқуқшунослиги соҳаларига оид мўътабар асарлари билан ислом дунёсида машҳур бўлган Абул Баракот Насафийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритилади. Олимнинг қарийб саккиз асрдан бери қўлдан-қўлга ўтиб ўқиб келинаётган, дунёнинг турли диний таълим муассасаларида ўқитилиб, қайта-қайта нашр этилаётган асарларининг мазмуни, бугунги кундаги аҳамияти, илмий меросининг ислом маданияти ривожига тутган ўрни таҳлилий ёритилган. Шунингдек, Насафийнинг устоз ва шогирдлари, Қуръонни тафсир қилиш, ақидавий масалаларни талқин этиш услублари ҳақида сўз юритилган. Рисола исломшунос мутахассислар ҳамда аждодлар ҳаёти, илмий мероси ва тафсир илмига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

У кишининг асарларидан, ислом ҳуқуқшунослигига оид мўътабар асари “Ал-вофий” (“Тўлиқ”)дир. Сўнгра фикҳга оид “Ал-вофий” ва унинг шарҳи “Ал-кофий” асарини ёзади. Бу билан у гўё “Ал-ҳидоя” китобини тасниф этиб, унга шарҳ битгандай бўлади. Мазкур асар бошқа машҳур китоблар қатори катта эътиборга эга бўлади. “Умдатул ақоид фил калом” (“Калом илмидаги ақидалар асоси”) – ушбу асарига шарҳ ҳам ёзиб, уни “Ал-эътимод” (“Таянч”) деб атаган. “Канзуд дақоик” (“Нозик масалалар хазинаси”) – бу асар ҳанафий мазҳабининг фуруъ фикҳига оид манбасидир. “Ал-мусаффо фил хилоф” (“Ихтилофлардаги мусаффолик”), “Шархул фикҳин Нофиъ ли Муҳаммад ибн Юсуф Хусайний” (“Муҳаммад ибн Юсуф Хусайнийнинг манфаатли фикҳ асарига шарҳ”), “Ал-мустасфо” (“Сараланган”) – Самарқандийнинг “Ан-нофиъ фи фуруъил фикҳил Ҳанафия” (“Ҳанафий мазҳаби фуруъ фикҳига оид фойдали китоб”) асарига ёзилган шарҳдир, “Ал-мусаффо мухтасарул мустасфо” (“Мустасфога битилган мухтасар мусаффо”), “Шарху манзумати Умар ан-Насафий фи-л-фикҳи-л-ҳанафий” (“Умар Насафийнинг ҳанафий фикҳига оид манзумасига шарҳ”), “Манорул анвор фи усулил фикҳ” (“Усул фикҳда ёруғлик маёқ”) номли асари усулул фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги асослари) ва унинг қонун-қоидалари ҳақида ёзилган бўлиб, унда Қуръон ва ҳадис асосида ҳукм олиш, ижмо ва қиёс қўллаш услублари каби масалалар баён этилган. У олимлар томонидан усулул фикҳ соҳасидаги қисқа, лекин жуда фойдали асардан деб тан олинган.

Абулбаракот Насафий асарлари орасида энг қимматлиларидан бири бўлган ва тафсир илми бўйича аҳли илм орасида “Тафсирун Насафий” номи билан машҳур бўлган ва ҳанафий мазҳабига мувофиқ битилган “Мадорикут танзил ва ҳақоикут таъвил фит тафсир” (“Тафсирдаги нозил бўлиш ва таъвил ҳақиқатларини англаш китоби”) китоби бўлиб, иборалари қисқалиги, эъроб ва кироатлардаги йўлларни жамлаб ўрта йўлни тутганлиги, аҳли сунна валжамоъанинг сўзларини жойлаштирганлиги, биъатчи ва залолатчиларнинг ботил сўзларидан холи бўлганлиги ва исроилият қиссаларини диққат билан ўрганиб жуда оз келтирганлиги билан бошқа тафсирлардан ажраб туради. Имом Насафий ўзларининг бу тафсир китобларини



таълиф қилишда имом Замахшарийнинг «Кашшоф» тафсиридан истифода қилган. Имом Насафийнинг «Мадорикут танзил» номли бу китоблари ҳозирги кунимизгача уламолар ва толиби илмлар орасида зўр эътибор билан шуҳрат топиб келмоқда ва кўпгина Ислом ўқув юртларида қўлланма сифатида ишлатиб келинмоқда. Чунки бошқа тафсир китоблари орасида каттга шуҳрат қозонган “Тафсирун Насафий” тафсири дунё бўйича энг кенг тарқалган ҳанафий мазҳабига биноан ёзилгани, ундаги оятлар айнан мотуридия таълимотига биноан баён этилиб, ўша даврнинг илм марказлари Бухоро ва Самарқанднинг олимлари фикрлари билан бойитилганидир.

Абулбаракот Насафий бу тафсирида Имом Мотуридий сўзлари ва “Таъвилоту аҳли сунна” тафсиридан фойдаланилади. Шу билан бирга, фикҳий оятлар шарҳида “индана” – “бизнинг наздимизда” ёки “бизнинг мазҳабимизда” каби иборалар кўп учрайди. Тафсирнинг яна бир муҳим жиҳати бу оятларнинг филологик таҳлили усталик билан амалга оширилгани, Қуръоннинг балоғат ва фасоҳати моҳирона очиб берилганидир. Абул Баракот Насафий бу тафсирини ёзишда наҳв илмининг етук олимлари Имом Сибавайх, Имом Фарроларнинг фикрларидан кенг фойдаланган ва бир неча жойларида далил сифатида келтирган.

Бундан ташқари, ўқувчи оятларни ҳар томонлама тушуниши учун 7 хил қироатдан истифода қилинган. Юқоридагилар сабаб бўлса керак, у илм аҳли орасида кўп мутолаа қилинади. Ҳатто, Қуръон маъноларини ўзбек тилига ўгириб, “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири” китобини ёзган Абдулазиз Мансур ҳам ушбу асардан унумли фойдаланган. “Мадорикут танзил ва ҳақоикут таъвил” асари бир неча асрлардан бери мадрасаларда тафсир фанидан “Тафсирул Байзовий”, “Тафсирул Жалолайн”, “Тафсир Ибн Касир” китоблари қаторида дарслик сифатида ўқитилиб келинади. Бу дарсликлар орасида айнан Ҳанафий мазҳабига оиди “Тафсирун Насафий” бўлиб, қолганлари шофиъий мазҳабидаги тафсирлардан саналади. Шу сабаб Қуръони каримни ҳанафий мазҳаби асосида ўрганмоқчи бўлганлар кўплаб маълумотларни мазкур тафсирдан олишлари мумкин. Ушбу асар охирги бор 1999 йилда Байрутнинг “Дару Ибн Касир” матбаасида нашр этилган. Абул Баракот Насафий ўз тафсирининг ёзилиш сабаби ҳақида китобнинг муқаддима қисмида шундай дейди: “Мендан яқинларим Қуръонни таъвил қилувчи, турли хил қироатлар ва ҳаракат услублари кўрсатилган, аҳли сунна валжамоа ақидасига мувофиқ, адашганлар ва бидъат аҳли эътиқодидан холи, малол келтирадиган даражада узун ҳамда тушунарсиз даражада қисқа бўлмаган тафсир ёзишимни сўрар эдилар.

Дастлаб иккиландим. Ниҳоят, Аллоҳнинг тавфиқ ва инояти ила тафсир ёзишга киришдим ҳамда оз фурсат ичида уни ёзиб тамомладим. Китобимни “Мадорикут танзил ва ҳақоикут таъвил” деб номладим. Аллоҳ барча ишларни енгиллаштирувчи, хоҳлаган нарсани қилишга қодир ва дуони тез ижобат қилувчи Зотдир”. Муҳаммад Заҳабий ўзининг “Ат-тафсир вал муфассирун” китобида таъкидлаганидек, “Тафсирун Насафий”нинг ёзилиш услуби муфассир олим Қози Байзовийнинг “Анворут танзил ва асрорут таъвил” (“Қуръон нурлари ва таъвил сирлари”) ва хоразмлик буюк ватандошимиз Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-кашшоф” (“Кашф қилувчи”) тафсирларига ўхшашдир.

Лекин Байзовий шофиъий ва Замахшарий мўътазилий мазҳабида бўлгани учун ақидавий ва фикҳий оятларнинг шарҳида ушбу учала тафсир ораларида катта фарқ борлигини таъкидлайди. Абул Баракот Насафий тафсирининг кўп жойларида машҳур



муфассир саҳоба Ибн Аббоснинг ривоятларига таянади. Кейинги ўринларда эса, ўз навбатида, машҳур муфассир саҳобалар ва тобиъийнлардан Ибн Масъуд, Анас ибн Молик, Ҳасан, Убай ибн Каъб Мужоҳид кабиларнинг ривоятларидан фойдаланади. Абул Баракот Насафий ўз даврининг етук олимлари ичида катта шухрат қозонади. Абдулҳай Лакнавий таъбири билан айтганда: “Абулбаракот Насафий ўз даврининг беназир алломаси сифатида фикҳ ва усул илмларида ғоятда сарбаланд, ҳадис ва унинг маъноларини тушунишда барчадан устун бўлган”. Ибн Ҳажар Асқалоний эса уни “Алломаи дунё” деган ғоятда шарафли ном билан тилга олган. Абул Барокат Насафий 710/1310 йилда Бағдодга келади ва шу йил рабиъул аввал ойининг жума куни кечаси Бағдодда вафот этган ва Исфаҳон яқинидаги Изаж (Хузистон ва Исфаҳон оралиғидаги шаҳар) шаҳрида дафн қилинган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абул Фидо Исмоил ибн Касир ал-Қураший ад-Димашқийнинг «Ибн Касир» тафсири. Қоҳира (Миср) 1905 йил.
2. Абул Барокот Абдуллоҳ ибн Аҳмаб ибн Маҳмуд ан-Насафийнинг «Мадорикут-танзил ва Ҳақоикут-таъвил» тафсири. Макка (САП) 1988 йил.
3. Закийюддин Абдулазим ибн Абдул Қаййум ал-Мунзирийнинг «ат-Тарғиб ват-Тарҳиб» ҳадисга оид китоби. Байрут (Ливан) 1996 йил.
4. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Хатиб ат-Табризийнинг «Мушкотул Масобих» китоби. Байрут (Ливан) 1991 йил.
5. Муҳйиддин Абу Бакр Яҳё ибн Шараф ан-Нававийнинг «Риёзус Солиҳин» китоби. Байрут (Ливан) 1912 йил.
6. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг «Жомеъ-ул Мутун» китоби. Истанбул (Туркия) 1971 йил.
7. Шамсуддин аз-Заҳабийнинг «Китобул Кабоир» китоби. Қоҳира (Миср) 1982 йил.
8. Абдулазиз Мансурнинг «Қуръони карим маъноларининг таржимаси» Тошкент 2003 йил.
9. Алоуддин Мансур «Қуръони карим таржимаси» Тошкент 2003 йил.
10. Абул Барокот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафийнинг «Баҳрул Калом» китоби. Қоҳира (Миср) 1796 йил.
11. Саййид Абдулаҳад ан-Нурийнинг «Мавъизаи ҳасана» китоби. Истанбул (Туркия) 1889 йил